

“Тасдиқлайман”  
Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазири  
ўринбосари



И.Джураев

2022 йил 26 август

Халқ таълими тизмидаги умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом  
овқатлантиришни кейтеринг усулида ташкил этиш бўйича  
**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Мазкур техник топширик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **472-сон қарори** асосида умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ҳолда кейтеринг усулида ўқувчиларнинг соғлом овқатлантиришни ташкил этиш мақсадида қўйиладиган талаб ва тартибларини белгилайди.

**Буюртмачи** - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳисобланади;

**Ижрочи** – ҳудудларда масофавий усулда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш орқали овқатланишни шартнома асосида, етказиб бериш хизматларини кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор.

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Ижрочи	Талаб
<p><b>Ижрочи</b> (кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгор томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар)</p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кейтеринг усулида хизмат кўрсатиш учун бино иншоот ва замонавий технологик ускуналар мавжудлиги (кадастр ва техник паспортлар нусхалари);</li> <li>2. Махсус тайёр овқат ва озик-овқат хом ашёларини ташувчи жихозланган автотранспорт (рефрижератор) воситаларини мавжудлиги (техник паспортлари нусхаси);</li> <li>3. Тадбиркорнинг мева ва сабзавотларни сақлаш омборининг мавжудлиги; (кадастр ҳужжатининг тасдиқланган нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати камида бир йил бўлган);</li> <li>4. Совутгич камераларининг мавжудлиги (техник паспортнинг нусхаси ёки ижара шартномасининг амал қилиш муддати камида бир йил бўлган);</li> <li>5. Бино иншоотлар ижара асосида фойдаланилган тақдирда ижара шартномаси нусхаси;</li> <li>6. Бино-иншоотлар қорхонага тегишли бўлганда кадастр ҳужжати нусхаси;</li> <li>7. Инсофсиз ижрочилар Ягона реестрида қайд этилмаганлик тўғрисида маълумотнома (тасдиқловчи ҳужжат);</li> <li>8. Кейтеринг усулида овқатланишни ташкил этиш бўйича шартноманинг камида уч ойлик суммасига тенг айланма маблағлари мавжудлиги;</li> <li>9. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд</li> </ol>

	<p>10. Танловда (тендерда) иштирок этиш учун камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солиқ қарздорлиги, тўловлар, бошқа мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот;</p> <p>11. Санитария қонучилигига риоя этилиши бўйича лаборатория, микробиология экспресс(тезкор) тест назорати хизмати билан тузилган шартнома нусхаси;</p> <p>12. Умумий овқатланиш соҳасида камида 3 йиллик тажрибага эга бўлишлиги;</p> <p>13. Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомларни тайёрлаш технологияси бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларнинг мавжудлиги (муҳандис-технолог, аллерголог, диетолог, гастроэнтеролог, терапевт врач, ошпазлар);</p> <p>14. Инженер-технология ёки технология хизмати кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартнома; (диплом, тиббий кўриқдан ўтганлиги, ташкилотда ишлаш тўғрисида маълумот);</p> <p>15. Ошпазлар ҳақида маълумот; (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўриқдан ўтганлиги ва ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма);</p> <p>16. Тайёр овқатларни етказиб бериш учун, сертификатланган махсус термо идишларнинг мавжудлиги;</p> <p>17. Коррупцияга йўл қўймаслиги тўғрисида ариза.</p>
<b>Ижроцига қўйиладиган талаблар</b>	Мактабларда соғлом овқатлантириш хизматини кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган намунавий мавсумий таомномалар, таом тайёрлаш бўйича технологик карталар асосида ташкил қилиш.
<b>Хизмат кўрсатиш тартиби</b>	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мактабларида бир маҳал соғлом овқатлантиришни белгиланган САНПИН меъёрлар асосида етказиб бериш орқали амалга ошириш.
<b>Тадбиркорлик субъектларига кейтеринг хизматларини кўрсатиш учун қўйиладиган талаблар</b>	Кейтеринг ташкилоти ошпазлари томонидан таом тайёрлаш технологик қоидаларига риоя қилиниши, ва ошпазларни ўрнатилган тартибда малака оширишни назоратга олиш.
<b>Озиқ-овқат нархларининг шаклланиши</b>	Озиқ-овқат маҳсулотларининг ойлик ўртача бозор нархлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг ойлик тасдиқланган баённомалар билан белгиланади.
<b>Хизматни бажариш вақти</b>	2022-2023 ўқув йили.

<p><b>Озиқ-овқат сифатига бўлган талаб</b></p>	<p>Харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар сифатлилиги, фойдаланиладиган технологик жиҳозлар санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги ҳамда етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари яроқлилиги ҳақида лаборатория хулосаси мавжудлиги;</p>
<p><b>Хизмат кўрсатиш шартлари</b></p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти мактабларида бир маҳал соғлом овқатлантириш белгиланган САНПИН меъёрларига риоя этган ҳолда ҳамда тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширилади.</p> <p>Кейтеринг ташкилоти тайёр таомларни қадоқланган, бир марта ишлатиладиган қутиларда совиткич мосламаси ўрнатилган махсус автотранспорт воситаларида мактабларга етказиб бериш.</p> <p>Етказиб берилган қадоқланган тайёр таомларни санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ўқувчиларга тарқатишни ташкил этиш.</p> <p>Узоқ ҳудудлардаги мактабларда 5 кунлик таомномадаги маҳсулотларни сафлашни ташкил этиш (рефрижератор, музлатгич ва хок)</p> <p>Кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган қадоқлангандан тайёр таомлар, истеъмол қилингандан сўнг чиқиндиларини ўз вақтида утилизация қилиш чораларини кўриш.</p>
<p><b>Овқатланиш устидан назорат</b></p>	<p>Вазирлик, Ўзбекистон Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан биргаликда кейтеринг ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати устидан доимий назоратни амалга ошириш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра кейтеринг ташкилотини “инсофли ижрочи” ёки “инсофсиз ижрочи” рўйхатига киритиш.</p>



Urganch shahar. 220100 , Y.Bobojonov ko`chasi 29-uy  
tel.: 228-11-51, faks: (998362) 228-11-51, E-mail: [xorazm\\_vxtb@xtv.uz](mailto:xorazm_vxtb@xtv.uz), [xorazm\\_vxtb@inbox.uz](mailto:xorazm_vxtb@inbox.uz)

---

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**  
26-ЛОТ

Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Шовот туманидаги 18 та умумтаълим муассасаларида 1-4 синф ўқувчиларини сентябр-октябр ойларида овкатлантириш хизмати. Хизматлар ҳар битта таълим муассасасида амалга оширилади.

Бажариладиган ишлар: Хоразм вилояти Шовот туманида жойлашган 18 та таълим муассасаларида овкатлантириш ишларини ўз вақтида бажариш.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари:



О.Ишчанов

## Танловнинг маълумотлар жадвали

Ушбу бўлим танлов мавзусига тааллуқли махсус кондаларни ўз ичига олади ва танлов ҳужжатларининг бошқа бўлимларида келтирилган маълумот ёки талабларни тўлдиреди.

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бюртмачи:	Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси.
2	Бажариладиган иш:	Хоразм вилояти Шовот туманидаги 18 та таълим муассасаларида 1-4 синф ўқувчиларини овкатлантириш хизмати. Материал номи: 1-4 синф ўқувчиларини Овкатлантириш хизмати . Ўқувчи сони: 5 849 Бошланғич баҳоси (кунлик меёр): 5640 сўм. Жами бошланғич суммаси ҚҚС билан: <b>725 743 920</b> сўм.
3	Бажарувчи:	Танловдан сўнг аниқланади.
4	Объект жойлашган манзил:	Хоразм вилояти Шовот тумани
5	Буюртмачи манзили:	Хоразм вилояти Урганч Й.Бобожонов 29.
6	Алоқа учун маъсул шахс:	Рамазанов Алланазар, (+998) 622281147.
7	Танлов эълонлари:	Махсус маълумотлар портали: <a href="http://www.xarid.uzex.uz">www.xarid.uzex.uz</a> орқали
8	Танловда иштирок этишга рухсат этилади:	Танловда юридик шахс бирлашмаларидан ташқари барча бошқа юридик шахсларга иштирок этишга йўл қўйилади.
9	Ишларнинг бошланиш ва тугаланиш вақти:	Шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.
10	Маблағ манзили:	Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси. Бюджет маблағлари ҳисобидан.
11	Алоҳида талаблар:	Ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши шарт. Бажарилган ишлар қабул қилиш топшириш далолатномасига ва ҳисоб фактурасига асосан қабул қилиб борилади.
12	Танлов шартлари:	Иш тажрибаси: Танлов катнашчиси овкатлантиришга доир иш тажрибага эга бўлиши керак. Танловда иштирок этиш учун иштирокчи техник базага эга бўлиши ва юк ташиш учун мос техникалар ҳужжатларини тақдим қилиши керак. Танлов иштирокчиси кўрсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак. Танлов иштирокчиси иш жараёнида техникалари учун эҳтиёт қисмларига эҳтиёж тугилса, унда у бу ишларнинг барчасини ўз зиммасига олиши керак.
13	Тўлов шартлари:	Тўловлар пул ўтказиш йўли билан юк хати ёки ҳисобварақ-фактура орқали амалга оширилади.
14	Рақобат тили:	Ўзбек ва рус тилида.
15	Шартнома валютаси	Сўм.

**Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Шовот туманидаги 18 та умумтаълим муассасаларида 1-4 синф ўқувчиларини овкатлантириш хизмати**

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БУЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Буюртмачи: Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси**

**УМУМИЙ ҚИСМ**

**ЭНГ МАҚБУЛ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ**

**1. Умумий ҳолат**

1.1 Ушбу Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳалашдан олдин, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва шартномалар экспертизасини ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3550 Қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Энг яхши таклифларни танлаш мавзуси: **Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли Шовот туманидаги 18 та умумтаълим муассасаларида 1-4 синф ўқувчиларини овкатлантириш хизмати**

1.3 Энг яхши таклифларни танлаш таклифида бошланғич нархлардан ошмаслиги керак.

1.4 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.5 Энг яхши таклифларни танлаш комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.

**2. Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари**

2.1 Буюртмачининг номи – **Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси** (бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади).

2.2 Комиссиянинг ишчи органи Харид комиссияси (бундан кейин – “Харид комиссия”).

2.4 Энг яхши таклифларни танлаш камида олти аъзодан иборат “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

**3. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари**

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин 4.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

**4. Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш тартиби**

4.1 Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси:

а) танлаш шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);

б) Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мувофиқ энг мақбул таклифини тақдим этиш;

**4.2 Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:**

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

#### **4.3 Иштирокчиларнинг Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этишлари тақиқланади:**

Қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;

“Бююртмачи” билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш;

Ягона реестрда виждонсиз ижрочилар;

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги.

#### **4.4 “Бююртмачи” иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар:**

иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита миждоннинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш, давлат харидлари жараёнида бююртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш;

иштирокчи қонуни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.

### **5. Танлаш таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби**

**5.1** Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари танлаш эълонида кўрсатилган манзил бўйича эълонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

**5.2** Лойихачилар тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир.

**5.3** Танлаш таклифи қўйидагилардан иборат:

нарх қисми танлаш шартларига мос келиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати, танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб ва бошқалар. Талабгор танловга қатнашиши билан ушбу шартларнинг барчасига розилигини билдиради.

**5.4** Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари энг яхши таклифларни танлашда қатнашиши учун қўйидаги ҳужжатларни тўлдириши керак.

#### **1-шакл Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисига ҳақида умумий маълумотлар**

Шунингдек, иштирокчи таклифни, шу жумладан барча танлаш ҳужжатларини тайёрлаши керак, уларни сканерлаштирилган электрон шаклда махсус [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) порталига раҳбарнинг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда жойлаштириши керак. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисига ҳар бир лот бўйича фақат битта таклиф беришга ҳақли.

**5.5** Агар таклифлар бериш муддати тугаган пайтда харид комиссияси томонидан энг яхши таклифларни танлаш, иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилган бўлса, энг яхши таклифларни танлаш ўтказилган деб топилади.

**5.6** Техник таклиф қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак: техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

**5.7** Ушбу танлашга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий ҳужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

**5.8** Харид комиссияси фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

### **6. Энг яхши таклифларни танлаш тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

**6.1** Эълонда танлаш ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, танлаш иштирокчилари томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлашни баҳолаш бўйича харид комиссияси.

**6.2** Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.



**6.3** Харидкомиссияси энг яхши таклифларни танлаш голибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлаш ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

**6.4** Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

**6.5** Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

**6.6** Харид комиссияси агар уни тақдим этган танлаш иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки танлаш иштирокчиларининг таклифи бўйича энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

**6.7** Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида Харид комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

**6.8** Энг яхши таклифларни танлаш ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси голиб ҳисобланади.

#### **7.Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги махфийлик.**

**7.1** Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик куйидагиларга тегишликирувчи таклифлар ёзувларини юридадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайди Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга руҳсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) энг яхши таклифларни танлаш голиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

**КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА  
АРИЗА**

Мен, \_\_\_\_\_ (харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади) товар етказиб бериш учун (таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади) ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг куйидаги кўринишларига йўл қўймасликни қафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;

- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;

- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;

- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;

- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;

- манфаатлар тўқнашувига;

- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;

- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.: \_\_\_\_\_

Телефон/факс рақами: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Имзо:

М.Ў.

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ ХАКИДА  
УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Очик эркин савдолари иштирокчисининг номи \_\_\_\_\_

Манзили ва телефон (факс) раками \_\_\_\_\_

Юридик макоми \_\_\_\_\_

Гувоҳнома раками ва санаси \_\_\_\_\_

Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) \_\_\_\_\_

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

**Асосий ва доимий ходимлар (ЛБМ, ЛБА ва етакчи мутахассислар)**

Тартиб №№	Ф.И.Ш.	Маълумоти (ўқув юрти, мутахассислиги, диплом № ва берилган санаси)	Иш тажрибаси (йил)	Эгаллаган лавозими	Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил)
1	2	3	4	5	6

Корхона раҳбарининг имзоси \_\_\_\_\_

Тузиш санаси «    » \_\_\_\_\_ 2022 й.

М.Ў.